





ХАЛҚ судларига сайловлар муносабати билан 5-Киров сайлов участкасида тушунтириш ишлари қизитиб юборилди. Сайловчилар бу ерда ўзларини қизиқтирган саволларга дарҳол жавоб оладилар. Агитпункт сайлов системасига оид қўлланмалар, плакатлар билан намунали қилиб безатилган. Суратларда: (чапда) участканинг бир группа ёш агитаторлари. (Ўнгда) 7-Куйбишев сайлов участкаси агитпунктида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

# ЭНГ ДЕМОКРАТИК СУД

Шу йил 11 апрелда республикамиз халқ судларига сайловлар ўтказилади.

Совет суди давлат манфаатини ва совет гражданлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, оммани коммунизм руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Социалистик қонунни ҳимоя қилишда давлат органлари системасида суд органлари асосий ўринни эгаллайди. Бизнинг қонунларда гражданларнинг мулкий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилиш суд органларига берилганлиги Конституцияда гарантияланган.

В. И. Ленин 1918 йил январь ойида бўлиб ўтган Советларнинг Бутунроссия III съездида сўзлаган нутқида судлар тўғрисида бундай деган эди: «Биз... чинакам халқ суди учун йўл очдик ва жазо тадбирлари билангина эмас, балки, аввало омманинг намуна кўрсатиши, меҳнаткашларнинг обрўйи воситаси ила, расмиятчиликка йўл қўймай, эксплуатация қуроли бўлган суддан социалистик жамиятнинг мустаҳкам асосларига таянган партия қуролини яратдик».

Совет суди чинакам демократик негизларга асосланади ва ўз фаолиятида халқ билан мустаҳкам алоқада бўлади. Совет кишилари меҳнат, уй-жой, гражданлик, оила-никоҳ ва бошқа қатор масалалар юзасидан судларга мурожаат қиладилар. Социалистик одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Бошқа ҳеч қандай давлат ва жамоат ташкилотлари ёки мансабдор шахслар бу ишларга аралашишга ҳақли эмас. Улар давлат номидан жиноят қилган кишиларни айбдор, деб топишни ва уларни жавобгарликка тортишни узил-кесил ҳал қиладилар, гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя этади. Суд қарори қонуний кучга эга бўлиб, СССРнинг барча гражданлари учун мажбурий ва мамлакатимизнинг ҳамма ерида аниқ бажарилиши лозим. Ўзбекистон ССР Конституциясида айтилганидек, «судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар». Судлар чиқарган қонуний ҳукм ва қарорларнинг тўғрилиги борасида ҳеч ким билан маслаҳатлашмайдилар. Бу иш уларнинг ички иқрорлигига, уларнинг виждонига, давлат ва халқ олдидаги жавобгарлигига боғлиқ.

Суд ва қонун олдида барча гражданлар тенг. Ҳеч кимнинг миллати, ирқи, диний эътиқодига қараб ҳуқуқлардан чегаралашга ёки мажбурият юклашга йўл қўйилмайди. Судларнинг обрўси шундаки, улар халққа хизмат қилиш ва ўз ишида халқнинг кенг ташаббусига ҳамда одил судловни амалга оширишда омманинг бевосита иштирок этишига таянади, ўз фаолиятини меҳнаткашлар орасида ошкора олиб боради. Судда жамоат қораловчиси ва жамоат оқловчиси, меҳнаткашларнинг вакиллари иштирок этади. Иш материаллари ва кўргазмалар судда қатнашувчиларга ўз она тилида ёки улар тушунадиган тилда таржима қилиб берилади. Бу муҳим шартларнинг тўғри амалга оширилиши ва уларга риоя қилиниши адолат ўрнатиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва ҳимоя қилишда қонунчиликни мустаҳкамлаш гаровидир.

Одил судловнинг юқорида кўрсатиб ўтилган асосий шартлари совет судининг дунёда энг демократик, энг халқчил эканидан далолат беради. Ана шу халқчиллик судларнинг меҳнаткашлар томонидан сайланиши ва ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришида ўз ифодасини топади.

Совет суди ўзининг бутун фаолияти билан гражданларнинг Ватанга ва коммунизм ишига садоқат руҳида, совет қонунларига аниқ ва оғишмай риоя этиш, социалистик мулкка нисбатан эҳтиёткорона муомалада бўлиш руҳида, меҳнат интизомига риоя қилиш, давлат ва жамоат бурчига виждон билан қараш руҳида, гражданларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаш руҳида тарбиялайди.

Ўзбекистон ССР суд тузилиши қонунига кўра район (шаҳар) халқ суди халқ судьялари ва халқ маслаҳатчилари, икки ёки ундан кўпроқ халқ судьялари бўлган район (шаҳар)ларда эса, бош халқ судьясидан, халқ судьяларидан ва халқ маслаҳатчиларидан иборат тузилади. Ҳар бир район (шаҳар) халқ судига сайланиши лозим бўлган халқ маслаҳатчиларининг сони Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область, Тошкент шаҳар Советларининг ижроия комитетлари томонидан белгиланади.

Бу халқ маслаҳатчилари судьяга тегишли барча ҳуқуқлардан тўла фойдаланадилар, суд органларининг кундалик ишига ёрдам кўрсатадилар. Бизнинг мамлакатимизда судьяларнинг, халқ маслаҳатчиларининг мустақиллиги эълон қилинибгина қолмай, балки ана шу мустақилликни таъминловчи аниқ гарантиялар ҳам белгиланган. Масалан: суд ҳукми ва ажримлари чиқариладиган маслаҳатхонасидаги маҳфийликни олайлик. Бу вақтда мазкур хонада мустақил иш бўйича суд составига кирувчилар ҳозир бўлиши мумкин, холос. Бошқа ҳар қандай шахсларнинг бу ерда ҳозир бўлишлигига йўл қўйилмайди. Мана шу суд составига кирувчи халқ маслаҳатчилари кўрилаётган ёки ҳукм чиқарилаётган иш юзасидан ўзларининг мустақил фикр ва мулоҳазаларини изҳор қиладилар.

Судларни бевосита меҳнаткашлар томонидан сайлаш тартиби 1936 йилда қабул қилинган СССР Конституциясида биринчи марта қайд қилинди. Қонунда кўрсатилганидек, район (шаҳар) халқ судларининг судьяларини гражданлар умумий, тўппа-тўғри ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайлайдилар.

Халқ маслаҳатчилари ишчилар, хизматчилар ва деҳқонларнинг ишлаб турган жойлари ёки турар-жойларида ўтказиладиган ва ҳарбий қисмлар бўйича эса, ҳарбий хизматларнинг умумий йиғилишларида икки йил муддатга сайланадилар. Совет судининг халқчиллиги фақат унинг меҳнаткашлар томонидан сайланиб қўйилишида ифодаланиб қолмайди, балки судга сайланувчиларнинг ҳам халқ вакилларидан иборатлиги билан характерланади.

Одил судловни амалга оширишда тенг ҳуқуқли бўлган маслаҳатчилар ҳам турли касб эгалари бўлиб, улар одил судлов вазифасини ўзларининг асосий иш фаолиятлари билан бир қаторда виждонан бажарадилар. Халқ маслаҳатчилари орасида Ўзбекистон ССР Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига депутат бўлганлар бор. Улар ўзларининг қобилиятлари, кучларига яраша сайловчилар томонидан топширилган масъул ишларни бажаришда фаол қатнашадилар.

Битта халқ судьяси бўлган район (шаҳарлар)да халқ судьяси вақтинча йўқлигида (касаллик, отпуска ва ҳоказолар). унинг вазифасини вақтинча бажариб туриш меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетининг қарори билан шу район бўйича сайланган халқ маслаҳатчиларидан бирига юклатилади.

Халқ маслаҳатчилари Совет судининг омма билан бирдамлигини, суд қарорларига ишончини мустаҳкамлайди, айни вақтда меҳнаткашларни давлатни бошқаришга, суд ишларини чинакам одил ҳал этишга ўргатади.

Судимиз совет гражданларини Ватанга ва коммунизм ишига садоқат руҳида, Совет қонунларини ҳеч оғишмай аниқ бажариш, умумхалқ бойлигини кўз қорачиғидай сақлаш, меҳнат интизомига риоя қилиш, инсон қадр-қимматини ва унинг ҳуқуқларини, шунингдек, социалистик турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдек юксак вазифаларни бажаради.

**Д. РАЗЗОҚОВ,**
**юридик фанлари кандидати.**

# ПОЛИГРАФЧИЛАР АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

31 март куни республика нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ходимлари активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида ўз вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат Комитетининг раиси З. И. Есенбоев доклад қилди.

Йиғилишда СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси Давлат Комитети раисининг ўринбосари В. А. Сластененко нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

# ЁШЛИК ҒАЙРАТИ — БЕШ ЙИЛЛИККА

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДАН

Бугун комсомол ташкилотларида «КПСС XXV съезди қарорларини бажарамиз» шиори остида Бутуниттифоқ комсомол йиғилишлари бошланади. КПСС XXV съездининг якунлари муҳокама қилинади ва съезд қарорларини бажариш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланади.

Область комсомоллари тўққизинчи беш йилликни катта меҳнат ғалабалари билан кутиб олдилар. Тошкент шаҳри комсомол ташкилотлари «КПСС XXV съездига — 25 зарбдор декада» ташаббуси билан чиққан эдилар. Минглаб комсомоллар бу ватанпарварлик ҳаракатига қўшилиб, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича юқори кўрсаткичларга эришдилар. Областимизнинг 400 мингдан ортиқ йигит ва қизлари тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. 86 ёш ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик планини адо этди.

Областимиз ёшларининг самарали меҳнатлари ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан муносиб тақдирланди. КПСС XXV съезди қарорларини бажариш юзасидан эришган юксак натижалар учун ВЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғи абадий қолдирилди.

КПСС XXV съездида Ленин комсомоли шаънига илиқ гаплар айтилди, ёшлар олдига катта вазифалар қўйилди. Пойтахт области комсомоллари съезд материалларини кенг муҳокама қилиб, оширилган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Комсомоллар ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар даражаси янада юқори кўтарилмоқда.

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда комсомол ташкилотларининг жанговарлик ролини ошириб бориш биринчи галдаги вазифадир. Ўнинчи беш йилликда областимиз меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турипти. Бу ишларда комсомолнинг активлигини таъминлаш зарур.

Яқинда бўлиб ўтган Тошкент область ва Тошкент шаҳар комсомол комитетлари қўшма пленумида шу масалаларга тўхталиб ўтилди. Пленумда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржонов «КПСС XXV съезди якунлари ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришда область комсомол ташкилотларининг вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Музокарада сўзга чиққан Калинин район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Жалилова район комсомол-ёшларининг тўққизинчи беш йилликдаги ютуқлари ва илғор тажрибалари, уларни оммалаштириш борасидаги ишлар, ёшларнинг ватанпарварлик ташаббуслари тўғрисида сўзлади. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси КПСС XXV съездининг делегати Е. Грязева съезд қарорлари муносабати билан комсомоллар олдида турган вазифалар ҳақида сўзлади.

— Бригадамиз аъзолари ўртасида, — дейди Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози пахтачилик комсомол ёшлар бригадасининг бошлиғи, Ф. Эгамбердиев, — оммавий-сиёсий, тарбиявий-ташкилий ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли меҳнат муваффақиятимиз ҳам юксак бўлмоқда. Ўтган йили ҳар гектар ердан 43 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарган эдик, бу йил 50 центнерчилик ҳаракатига қўшилдик. Ҳозир далада чигит экиш ишларини бошлаб юбордик.

Ўрта Чирчиқ район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Икромов доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 106 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбаликка тайёргарлик тўғрисида гапирди.

Музокарада сўзга чиққан Собир Раҳимов район комсомол комитетининг биринчи секретари А. Раззоқов, Тошкент политехника институти комсомол комитетининг секретари Б. Ғопипов, Ҳамза район комсомол комитетининг биринчи секретари Х. Шонеъматов ўртоқлар комсомол ҳужжатларини алмаштириш даврида ҳар бир комсомолнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш, уларни доимий жамоат топшириқлари билан таъминлаш ва ижрони назорат қилиб бориш, комсомол сиёсий маорифида съезд материалларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор бериш лозимлигини уқтирдилар.

Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев номига якдиллик билан табрикнома йўлладилар.

Пленум ишида область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ташкилотчиси Н. С. Слепцов ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

*СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ*

# СССР ХИМИЯ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ҲАМДА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муҳим химия маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тўққизинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажарганлиги ва химия саноатини ривожлантиришдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

### ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

### МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

**Бабуркин** Константин Григорьевич — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цех бошлиғи.

**Эшматов** Владимир Ўтбосарович — Олмалиқ химия заводи электр пайвандчиси.

**Нечаев** Виктор Иванович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

**Сиров** Юрий Федорович — Олмалиқ химия заводи слесарлар бригадасининг бошлиғи.

**Тиллаев** Рўзибой — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

### «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Беглов** Владимир Михайлович — азот саноати ва органик синтез маҳсулотлари Давлат илмий тадқиқот ва лойиҳа институти Чирчиқ филиалининг директори.

**Иванов** Петр Иванович — автоматика тажриба-конструкторлик бюроси Чирчиқ филиалининг слесари.

**Киндеев** Александр Петрович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

**Киос** Константин Васильевич — «Средазхимремстроймонтаж» тресги 1-ремонт қурилиш-монтаж бошқармасининг слесари.

**Костенко** Валентина Ивановна — Олмалиқ химия заводи аппаратчиси.

**Мезина** Любовь Ивановна — «Ўзбекхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ рўзғор химияси заводининг экструдер машинисти.

**Фозилов** Тешабой — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

**Соболь** Юрий Александрович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети секретари.

**Сухова** Мария Ивановна — Олмалиқ химия заводининг аппаратчиси.

**Шейко** Людмила Яковлевна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Орипов** Маъруф — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

**Берестова** Александра Васильевна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электромонтёри.

**Муҳаммаджонов** Ҳакимжон — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси.

**Трифонов** Николай Архипович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

### «ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Асилбеков** Усмон Одилович — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери.

**Бобожонов** Ражаб — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

**Лобанова** Клавдия Ивановна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

**Шапошников** Алексей Емельянович — азот саноати ва органик синтез маҳсулотлари Давлат илмий тадқиқот ва лойиҳа институти Чирчиқ филиалининг автомобиль ҳайдовчиси.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Азизова** Маъфират Юнусовна — Олмалиқ химия заводининг инженери.

**Зарипова** Раиса Хабибуллаевна — «Ўзбитхимпласт» ишлаб чиқариш бирлашмаси Олмалиқ рўзғор химияси заводининг тахловчиси.

**Максакова** Мария Григорьевна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг қозон машинисти.

**Садовская** Тамара Владимировна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг размётчиги.

**Шапкина** Анна Ивановна — Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

### «ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Куличенков** Павел Федорович — қадоқлаш ва жойлаш ускуналари тажриба-конструкторлик технология бюросининг директори.

**Нурматов** Собир — қадоқлаш ва жойлаш ускуналари тажриба конструкторлик технология бюросининг фрезерчиси.

**Пирогова** Маргарита Николаевна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводининг мастери.

### III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

**Древ** Сергей Никонович — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводининг аппаратчиси.

### «ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев** Қудрат — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводининг аппаратчиси.

**Утков** Виктор Николаевич — қадоқлаш ва жойлаш ускуналари тажриба-конструкторлик технология бюросининг бош конструктори.

**Ходиева** Нафиса — химия ва пахта целлюлозаси технологияси илмий тадқиқот институтининг аппаратчиси.

### «МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Кателина** Валентина Ивановна — химия ва пахта целлюлозаси илмий тадқиқот институтининг лаборанти.

**Қирғизбоева** Тамара Филиповна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Тошкент лак-бўёқ заводининг қуювчиси.

**Колмаков** Александр Иванович — қадоқлаш ва жойлаш ускуналари тажриба-конструкторлик технология бюросининг слесари.

**Сизова** Таисия Петровна — нефть, химия ва газ саноати ишчилари касаба союзи Ўзбекистон республика комитетининг инструктори.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Н. ПОДГОРНИЙ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
5 март, 1976 йил.

# СОВЕТ СИЁСАТИНИ БУЗИБ КЎРСАТИШГА ҚАРШИ

Бундан илгари хабар берилганидек, яқинда Миср Араб Республикасининг президенти Садат СССР билан Миср Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1971 йилда тузилган шартномага амал қилиш тўхтатилганлигини билдириб, бир томонлама иш кўрди. Шу билан айни бир пайтда Мисрда советларга қарши шовқин-сурон кампанияси ҳам кучайтириб юборилди. Шу кампания давомида Совет Иттифоқининг Миср Араб Республикасига нисбатан тутган позициясини бузиб кўрсатишга, кейинги йилларда Мисрда олиб борилган сиёсат барбод бўлганлиги учун айбни Совет Иттифоқи зиммасига юклашга уринишлар рўй бермоқда.

СССРнинг Миср Араб Республикасидаги элчихонаси шу йил 31 мартда шу хусусда Миср томонига Совет ҳукуматининг баёнотини топширди.

Баёнотда Миср расмий доиралари вакилларининг ва матбуотнинг тухматдан иборат даъволарига кескин зарба берилган, Совет Иттифоқининг Миср Араб Республикасига, Миср халқига нисбатан изчиллик ва принципиал дўстона сиёсат олиб борганлигини исбот этувчи фактлар келтирилган.

Президент Носир совет раҳбарлари билан қилган суҳбатларида Совет-Миср шартномасини тузишни истаганлигини бир неча марта билдирган эди. Президент Садатнинг ўзи ҳам 1971 йилда Миср Халқ мажлисида сўзга чиқиб «Мен истиқболимизни ва авлодларимизнинг келажагини ўйлаб Совет Иттифоқи билан шартномани имзолашга интилдим», деб айтган эди.

Шартнома Совет Иттифоқи билан империалистик қарамликдан халос бўлган ҳамда ўз суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, социал тараққиёт учун курашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат—Миср ўртасидаги муносабатларнинг юксак даражада бўлишини мустаҳкамлаши керак эди.

Империализмга қарши ва халқлар озодлиги манфаатлари йўлида Совет Иттифоқи билан Миср ўртасида йигирма йилдан кўпроқ вақт давом этган дўстона ҳамкорлик мобайнида, дейилади баёнотда, Совет Иттифоқи Мисрнинг экономикасини ривожлантиришда, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда унга катта ёрдам бериб келди.

Баёнотда кейинги йилларда Миср раҳбарлари Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик сиёсатидан, Совет-Миср шартномаси принципларидан чекина бошлаганликлари уқтириб ўтилади. Яқин Шарқдаги можарони бартараф этишга доир масалаларга ёндошишда бу нарса айниқса равшан намоён бўлди. Миср Араб Республикаси раҳбарларининг агрессорга қарши турган бошқа араб мамлакатларини четлаб ўтиб, Миср халқининг ҳақиқий дўстларидан яширин тарзда Исроил билан якка ўзи тил бириктирганлиги амалда Мисрни оккупация қилиб олинган араб ерларини озод этиш учун кураш жабҳасидан четга чиқариб қўйди.

Миср раҳбарлари агрессорлар ва уларнинг ҳомийлари билан тил бириктириш сиёсатини оқлашга уриниб, СССР билан айниқса ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка доир ҳамма фактларни бузиб кўрсатиш йўлига ўтиб олдилар. Ҳолбуки, Совет Иттифоқи етказиб берган қурол-яроғ туфайли Мисрнинг қуролли кучлари узоқ вақтгача Исроил агрессорларига қаршилик кўрсата олдилар, 1973 йилги октябрь жангларида муваффақият қозондилар.

Миср раҳбарлари Совет Иттифоқи билан Миср ўртасидаги молиявий-кредит муносабатлари масалаларида ҳам ўз халқини ва жаҳон жамоатчилигини чалғитмоқда. Ҳолбуки, Совет томони Мисрнинг илтимосини назарда тутиб, мавжуд битимларини бир неча марта қайта кўриб чиқди, кредитлар учун тўлов муддатларини анча кечиктирди.

Яқиндагина, дейилади баёнотда, Совет томони барча соҳаларда ҳамкорлик қилиш масаласида яхши ниятда эканлигини яна бир бор маълум қилган эди.

Совет ҳукуматининг баёнотида таъкидланадики, баъзи бировлар Совет—Миср Шартномаси бекор қилинганлиги Совет Иттифоқи билан Миср ўртасидаги муносабатларни ва умуман, Яқин Шарқдаги вазиятни ўзгартирмайди, деб тасвирлашга уринмоқдалар. Аммо бу нуқтаи назар ҳақиқатдан тамомила йироқдир.

Ҳозирги Миср раҳбарларининг олиб бораётган сиёсати Миср халқининг, бошқа Араб мамлакатлари халқларининг ҳақиқий манфаатларига ҳилофдир. Бундай йўл Яқин Шарқдаги можарони адолатли тарзда бартараф этишни ғоят қийинлаштиради, Исроил оккупация қилиб олган Араб территорияларини озод қилиш учун, фаластинлик Араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминлаш учун Араб давлатлари сарфлаётган куч-ғайратни бўшаштиради. Бу сиёсат фақат Миср ва бошқа араб халқларининг душманларига, империализм, сионизм ва реакция кучларига қўл келади, холос.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш кераккки, дейилади баёнотда, СССР араб халқларининг империализм ва мустамлакачиликка қарши, Исроил оккупация қилган Араб территорияларини тамомила озод қилиш ва фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминлаш учун, Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчликни барқарор қилиш учун олиб бораётган курашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Ўз ҳаракатлари билан Совет-Миср муносабатларини чигаллаштираётган, Совет Иттифоқи билан ҳамкорликка чек қўйишга уринаётган кишилар шундай сиёсатнинг оқибатлари учун ўз халқлари олдида оғир жавобгарликни ўз зиммаларига олмоқдалар. (ТАСС).



Асбобсозлик заводи 12-цехининг моҳир ишчиси Раиса Белко ўнинчи беш йиллик шахсий топшириғини 3,5 йилда бажариш мажбуриятини олиб ишламоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

# СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛАЙЛИК

31 март куни Тошкентда республика «Билим» жамияти правлениесининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини пропаганда қилиш соҳасида жамиятнинг вазифаларини муҳокама қилдилар. Жамият правлениесининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги С. К. Зиёдуллаев доклад қилди.

Жамият аъзоси бўлган лекторлар, пропагандистларнинг юз минг кишилик армияси, деб таъкидланди пленумда, партия XXV съезди қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, бу қарорларни сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш соҳасидаги ўз ишларининг программаси деб биладилар. «КПСС — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» шиори остида ҳамма жойда ижтимоий-сиёсий мавзуларда лекциялар ўқиш ташкил қилинмоқда. Сўнгги ойнинг ўзидагина ўн минглаб лекторлар, таниқли олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари республика қишлоқ меҳнатчилари ҳузурига, корхоналарга жўнаб кетдилар. Улар ҳозирдаёқ 60 мингга яқин лекция ўқидилар.

(ЎзТАГ).

